

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 692-ҳадис

83- **Амирликка, қозиликка ва бундан бошқа шу каби муҳим вазифаларга ўзи сўраб, талабгор бўлиш ёки ўзини таклиф қилган кишини ўша мансабга таъйин қилишдан қайтарилгани хусусида**

83-боб

Амирликка, қозиликка ва бундан бошқа шу каби муҳим вазифаларга ўзи сўраб, талабгор бўлиш ёки ўзини таклиф қилган кишини ўша мансабга таъйин қилишдан қайтарилгани хусусида

692 - **Абу Мусо ал-Ашъарий** :**«Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ азза ва жалла сизни волий қилган жойларнинг бирортасига мени амир қилиб қўйинг», деди. Наригиси ҳам худди шундай деди. Шунда у зот: «Аллоҳга қасамки, биз бу ишга уни сўраган кишини ҳам, унга ҳарис бўлган кишини ҳам бошлиқ қилмаймиз», дедилар».**

1. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Икки амакиваччам билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдик. Улардан бири: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ азза ва жалла сизни волий қилган жойларнинг бирортасига мени амир қилиб қўйинг», деди. Наригиси ҳам худди шундай деди. Шунда у зот: **«Аллоҳга қасамки, биз бу ишга уни сўраган кишини ҳам, унга ҳарис бўлган кишини ҳам бошлиқ қилмаймиз»,** дедилар».

Муттафақун алайҳ.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI